


# Байрамимиз муборак, адиб ота-синимлар!



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

## ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 8 март  
пайшанба  
Сотувда эркин нархда  
№ 49 (2611)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Кишилиқ тарихи, ҳаёт тажрибаси шундан далолат берадики, ҳар қандай давлатнинг маданий савияси, аввало, хотин-қизларга билдириладиган ҳурмат-эҳтиром ва аёл зотининг шу жамиятда эгаллаб турган ижтимоий ўрни билан ўлчанади.

### САМИМИЙ КҮТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Фидойилик ва қурбонлик байрами — муборак Ийд ал-Адо кириб келиши муносабати билан Фаластин халқи ва раҳбарияти ҳамда шаҳсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига ва Сиз орқали ҳукуматингиз ва биродар халқингизга қизгин табриқларимизни йўллаганидан бағоят хурсандман. Фурсатдан фойдаланиб, Сизга соғлиқ ва бахт, биродар халқингиз ва мамлакатингизга эса бундан буюн ҳам тараққиёт, ривож ва фаровонлик сари боришни тилайман.

Ёсир АРАФОТ,  
Фаластин Мухторияти раиси,  
Фаластин озодлик ташкилоти раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотуху. Ислам уммати нишонлаётган муборак Ийд ал-Адо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табриқларимиз, эзгу ниятларимизни йўллаганидан бахтирман. Аллоҳ субҳонаху ва таоло ушбу муборак байрамда Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, халқингизга эса раҳнақ, фаровонлик ва тараққиёт ато этсин. Ушбу айёмда Аллоҳдан исломи умматимизга осойишталик, ҳуррият ва ҳамфикрлик сўрайман. Президент Жаноби Олийларига, юксак эҳтиромларимизни қабул этгайсиз.

Абдулвоҳид БАЛҚАЗИЗ,  
Ислам конференцияси ташкилоти Бош котиби.

### Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги

Мухтарам онахонлар!  
Қадри ола-синимлар!  
Суюкли қизларимиз!

Авваломбор, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки, меҳр-шафқат, вафо ва садоқат тисмоли бўлган сиз, азизларни кутлуғ байрамингиз — Халқаро хотин-қизлар кунин билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаяман. Баҳор элчиси бўлган ушбу гўзал айём баҳонасида бизни дунёга келтирган, бағрида ардоқлаб улайтирган меҳри дарё оналарга, хонадонимизни мунаввар этган, фарзандларимизни оқ ювиб, оқ тар-роғи ва ёлтиратган севимли ёрларимизга, меҳрибон сингилларимизга ўз таъзим ва ташаккуримизни изҳор қиламиз. Аёл десади, бизнинг кўз олашимизда, аввало, улуғ ва табарруқ она сиймоси намоён бўлади. Инсон зоти борки, онанинг оқ суюти ва бетакрор алмаси билан улағди, оламдаги барча яхшилик ва эзуликларни, ҳаёт сирларини ва сабақларини она меҳри, она савоати тўғйили ўрганади. Умримизнинг энг ширин дамлари, сўнмас ҳаётнинг таассуротларимиз ҳам болалик даври билан, она бағрида кечган беармон йилларимиз билан боғлиқ.

Кимдан кам бўлмаган қомил инсонлар эғиб вояга етказишди, оналар ва болалар йилдаги улуғвор вазибаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган хотин-қизларимизнинг ўрни ва қўшаётган улкан ҳиссаси бунинг яққол тасдиқидир.

Анз ола-синимлар!  
Бугун биз халқимизнинг куч-қудратига ва бунёдкорлик салоҳиятига суюниб, янги жамият, янги иқтисодиёт, янги ҳаёт қурмоқдамиз.

Барча имкониятларимизни ишга солиб, аёлларимиз учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида кўпгина ижобий ўзаришларга эришмоқдамиз. Энг муҳими, бу масалага жамиятимизнинг эътибори тобора ошиб бормоқда.

Бугун биз — барча эркак зоти, юрт ўғонлари ўзимизнинг муқаддас бурчимизни сиз, азизларни фақат байрам кунларидagina эмас, балки ҳар кун, ҳар соатда асраб-авайлаш, оғирингизни енгила қилиш, мурод-мақсадларингизнинг ушалиши учун ғамхўрлик кўрсатиш, деб биламиз.

Чунки ҳар қайси инсон учун она ризолиси, аёл эҳтиромиси саҳовор олий бахт йўқ.

Мана шу файзли дамларда қадри ола-синимларимизга қарата чин қалбимдан шунинг айтмоқчиманки, сизлар биз учун ҳамини назокат соҳибаси, чексиз меҳр эгаси, муҳаббат тисмоли бўлиб қолаверасиз.

Сизларнинг латофатингиз ва қалб савоатингиз бизга доимо куч-райрат ва ишжоват бахш этади. Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни янги аср, янги мингйилликнинг биринчи баҳорига нишонланаётган 8 Март — гўзаллик ва нафосат айёми билан яна бир бор табриқлайман. Хонадонларингизга тинчлик-тотувлик, дастурхонингизга кут-баракат тилайман.

Эл-улус бахтига, осойишта олижанг, азиз фарзандларингиз бахтига доимо саломат ва саодатли бўлишингизни Яратганингиз ўзидан тилаб қоламан.

Ислам КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



Опоқ доқа рўмоллари ўзларига ярашган, саксоннинг остонасига яқинлашиб қолган Холлада ая Юсупованинг чехраларидаги шодонлик, аввало, юрт тинчлигидан. Хонадоннинг бағри бутунлиги, ҳамини фарзандлар, невараларлари арговида, эъзозидан эканидан. Она учун нури дунёларининг камолини кўришдан ортиқ бахт йўқ. «Магили ўрийдан ҳам ширин-да, — деди Тошкентдаги 2-Чимбой маҳалласи онахони. — Шунинг учун болалар жону дилим». Маҳалла-қўй, катта-кичик бу ширинлуғи аянинг дуаларини олишни ахши кўришди. Чунки улар «Юрт тинч бўлсин, тинч-жонинг соғ бўлсин, топганинг тўйларга буюрсин, фарзандларинг бахтига қарши насиб этсин», деп ниқат қиладилар. Хонадонимиз ободлиги, дастурхонимиз тўқиллиги бу кун айёмларини нишонлаётган шундай волидай мухтарамалар дуаларининг ишобатидан бўлса, не ажаб.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

### САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

2000 йил 1-31 август кунлари Япониянинг Хиросима шаҳридаги Тинчлик мемориал музейида кўпгина хоржий давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари юборган Тинчлик номлари кўргазмаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов юборган Тинчлик номаси биринчилар қаторида намойиш этилган ушбу кўргазмага 10 миңдан ортиқ япониялик ва хоржий фуқаро ташриф буюрди. Хиросима шаҳри мэри Т.Акиба кўрсатилган эътибор учун эътироф сифатида Президент Ислам Каримов номига миннатдорлик мактуби юборди.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлар! Юборган Тинчлик номингиз учун Сизга самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз. Сизнинг ҳўматингиз билан хоржий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларидан 38 та Тинчлик номасини олдик. Уларда XXI асрда тинчлик ва умумий ҳамкорликка интилишни қўллаб-қувватлаш истаги ифода этилган.

Илгари хабар берганимиздек, хоржий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари юборган номалар 2000 йил 1-31 август кунлари Тинчлик мемориал музейида намойиш этилди. Ушбу номалар билан ёнма-ён «Менинг шахсий тинчлик декларациям» номли кўргазмага экспозиция ташкил қилинди. Унда турли мамлакатлар фуқароларининг XXI асрда тинчлик ва тараққиёт ҳусусидаги тиллаклари билдирилган номалари намойиш қилинди. Мемориал музейга ташриф буюрганлар ушбу номалар билан танишиш ва уларнинг муаллифларига ўзларининг самимий миннатдорлигини изҳор этиш имкониятига эга бўлди.

Мен бу лойиҳа инсониятнинг тинчлик йўлидаги интилишларига ёрдам беришга ва XXI асрнинг ядро қуролдан холи тинчлик асри бўлиши йўлидаги дастлабки қадам эканига чин дилдан ишонман.

Мен Сиздан Тинчлик номасини олган заҳотик ёмоқчи бўлганим ушбу миннатдорлик мактубининг бир оқ кечикканлиги учун узр сўрайман. Мамлакатингиз янада гуллаб-яшнаши йўлидаги ва бошқа барча эзгу ишларингизга муваффақият тилаб билдирган энг яхши тиллақларимизни қабул этгайсиз. Самимий эҳтиром ила

Тадатоши АКИБА,  
Хиросима шаҳри мэри.

### Катый жадвал асосида

Бекободдаги «Ўзтемиркомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металл парчалари ҳамда чинқиндиларнинг қайта ишлашга тайёрлаш ва топширишни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Иш узрлилик ва идоралар, ҳудудий бошқарув органлари, мамлакат халқ ҳўжалиги учун муҳим ҳола-машини етказиб бериш билан шуғулланадиган бошқа ташкил-лар. Ингилзиш январ-феврал ойлари язулар сарҳисоб қилиниб, корхонанинг келгу-си фаолияти масалалари муҳо-кама этилди. Ингилзиш ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, республика комиссияси раиси

(ЎЗА).

### Мамлакатимизда Ер юзида Чоршанба хабарлари

#### «Конституцияни қай тарзда ўрганаёмиз?»

Қорақалпоғистон Жўрғи Кеңесиде ўтказилган семинар ана шу мавзуеда бағишланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишга оид Президент Фармоийшидан келиб чиқадиған вазибалар таҳлил этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини суди раиси Б.Шононов мамлакатимиз Асосий Қонунини ўрганишни ташкил этиш билан боғлиқ вазибалар тўғрисида маъруза қилди.

#### Бозор сенга боқмаса...

... сен бозорга боқ, деб бежиз айтмайди. Эликкалла туманидаги «Қирқиз» ҳўжалиқ аҳли бу ҳикметга амал қилишмоқда. «Қирқиз»ликлар ўз таъмирлаш устaxonасида бир неча турдаги эҳтиёт қисмларни қайта тикламоқдалар. Ҳўнармандчилик шохобчаси эса иш бошлади. Ҳўжалиқнинг энг чекка қишлоғида «зангори олов» ёнди.

#### Янги кошоно - ёшларга!

Янгиликлар тўғрисида 600 урилик касб-хўнар коллежси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 100 урилик ётоқхона ҳам улар ихтиёрига берилди. Замонавий ўқуу даргоҳида ёшлар қишлоқ ҳўжалигида ҳисоб-китоб ишларини юртиши, чорвачилик, машина-механизмларни бошқариш бўйича мутахассисликларни эгаллайдилар.

(ЎЗА).

#### Янгиликлар, воқеалар, далиллар



#### Пойтахтда Семинар самарали бўлди

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги «Қишлоқ ҳўжалиқ корхоналарини 2000 йилда санация қилиш якунлари ва уни 2001 йилда ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига мувофиқ, 1-3 март кунлари Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги раҳбарлигида 2001 йилдан санация қилинган қишлоқ ҳўжалиқ корхоналари ходимларининг навбатдаги ўқуу-семинари бўлиб ўтди.

Ўқуу давомида қишлоқ ҳўжалиқ корхоналарида молиявий муносабатлар, ички ҳўжалиқ механизми, оила пудрати ҳамда чек тизимини жорий этиш асослари, ҳисоб-китобни такомиллаштириш, санация қилиш режасини ишлаб чиқиш, суғурта ва шартнома муносабатлари, ҳўжалиқларни турли маҳсулотлар билан таъминлаш ва уларга сервис хизматини яхшилаш йўллари каби масалалар кенг ёритиб берилди.

#### Путинга 15 минг савол

Кун кеча Россия президенти В.Путин Интернет орқали ўзига хос мулоқот ўтказди. Хабарларга қараганда, Россия раҳбарига дунёнинг турли бурчакларидан ўн беш миңдан ортиқ савол йўлланган. Уч нафар журналист ана шу саволларнинг қай бирини бериш лозимлигини танлаган. Қўнчилиқни президентнинг оқиллиги ҳаёти, Чеченистондаги вазит, Мамлакат армиясининг пуфузи, дунё хаёфеизлиги билан боғлиқ масалалар қизиқтирган.

#### Кучма украини шудан олди



#### Янги ҳукумат тузилди

Шу йилнинг 6 февралда ўтказилган сайловда Исроил Бош вазири курсисини қўлга қиртирган Аръяль Шарон янги каляция ҳўкумат таркибининг тўлиқ тўзуб бўлди. Мамлакат Конституциясига мувофиқ, раҳбарликка лойиқ деб топилган номзодлар парламент тасдиқидан ўтказилди керак. Шундан сўнг А.Шарон бошчилигида янги ҳўкумат ўз фаолиятини бошлади. Ҳозирда Бош вазир қасамд қабул қилиш маросими тայёргарлик кўрмоқда.

(ЎЗА).

### Гўзаллик ва нафосат байрами

Бу йилги Халқаро хотин-қизлар байрами — 8 Март айойиб ва унутилмас дамларда, янги аср, янги мингйилликнинг илк баҳорий майсалари сабза урган, мухтарам Президентимиз томонидан 2001 йил мамлакатимизда оналар ва болалар йили деб эълон этилиб, шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури ҳаётга изчил татбиқ қилинаётган шароитда кенг нишонланмоқда.

Бунинг ўзига хос рамзий маъносини бор, албатта. Зеро, Баҳор, Она ва Фарзанд ташуичаларини бир-биридан айрича тасаввур этиш қийин. Бу сузлар замирида азал-азалдан ҳаёт абдиқилигига ишонч, меҳр-муҳаббат, садоқат, гўзаллик ва поклик озу-умидлар муҳасаса. Қолаверса, хотин-қизларимизнинг юртимизда эур қатъийлик билан амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ислохотларига фаолликларини ҳам таҳсинга сазоворлар.

фотта сазовор бўлган эли. Ингилзишда Зулфия номидаги Давлат мукофотиға сазовор бўлган қизларимизнинг бу йилги — иккинчи гуруҳига ҳам ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Қўнгирот туманидаги 83-мактабининг 7-синф ўқувчиси Диана Мамутова, Қашқадарь вилояти Шаҳрисабз тумани Алишер Навоий номидаги 102-иқтисодлашган мактабининг 7-синф ўқувчиси Шаҳноза Холмаҳамтова мукофотланганлар номидан сузга чиқиб, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиши, илм олиши, айниқса, талаба ва оқувчи қизларнинг ўз иқтидорларини тўла намоён этиши учун барча шароит ярати берилгагани учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Ингилзишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Бош вазир У.Султонов ҳамда Президентининг Давлат маслаҳатчилари, шунингдек, Олий Мажлис Раисининг, Бош вазирининг ўринбосарлари иштирок этидилар. Тантана катта байрам концерти билан якунланди.

(ЎЗА).









### Еримиз зар, сувимиз гавҳар

Шундай экан, унинг бағридаги бойликка нечоғли эга бўлиш ҳар бир деҳқон, мутахассис, хўжалик раҳбарининг ўзига боғлиқ

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил якунларига бағишланган мажлисида деҳқончиликда юқори кўрсаткичларга эришиш йўлларида бири ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш эканлиги алоҳида таъкидланди. Айниқса, баҳор ўз сепини ёётган шу кунларда деҳқон учун, ер ва сув мутасаддилари учун ариқ ва зовурларни тартибга келтириш, экин майдонларининг шўрланиш даражасидан қилиб чиқиб, тегилли чораларни амалга оширишдан кўра муҳимроқ иш йўқ. Хўш, экин майдонларининг адириклари адириклари иборат бўлган Марҳамат туманида бу борада қандай ишлар қилинмоқда?

Марҳаматликлар 19890 гектар суғориладиган ерда деҳқончилик қилишади. 16420 гектар майдон Фарғона канали, 2761 гектари Аравансой сув иншоотлари орқали суғорилади. Марҳамат атрофи адириклардан иборат бўлгани учун, сув экин майдонларига қудратли на-

сослар ёрдамида босқичмас-босқич етказиб берилди. Деҳқонлар учун, айниқса, «Асака-адир», «Орзу-1», «Тошдиҳона-1», «Туямўйин-1», «Оқтош-1», «Марҳамат» сув насослари гоёт қадрлидир.

Бу — масаланинг бир томони. Унинг яна бир жиҳати ҳам борки, бу деҳқону мутахассисдан ҳушёрлик ва назоратни талаб этади. Адирикларга сув чиқарилиб, экин майдонлари кенгайиши ҳисобига пастки ерларнинг заҳқашлик даражаси бирмунча кўтарилиб кетди. Айниқса, бу ҳолат экинларнинг суғориши даврида яққол кўзга ташланмоқда. Шу боис 15 минг гектар ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, 665,4 километрик зовурлар, шу жумладан, 265,8 километрик хўжаликларара, 398,6 километрик ички зовурларни тозалаш ишлари режа асосида олиб борилмоқда. Бундан ташқари, 81,4 километрик дренаж ҳам таъмирланмоқда.

Улар ҳали қиш этагини

ийгиштирмасданок сув йўллари тартибга келтириш, ариқ-зовурларни чуқур қовлаш, насосларни таъмирдан чиқариш каби кенг қамровли ишларни бошлаб юбордилар. Шу кеча-қундузда ун битта экскаватор тўла қувват билан ишламоқда. Улар ёрдамида кунига 49,1 километрик катта-кичик зовурлар қазилаяпти, саёзлари чуқурлаштирилмоқда. Хозирга қадар 16 миллион кубометр ҳажмда тупроқ ишлари бажарилди.

Тумандаги 26 насосни таъмирлаш, созлаш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ишлари ҳам қизгин олиб бораётган. «Сигма-1», «Сигма-2», «Хўжабосма» каби йирик сув насосларининг электр бошқарув қурилмалари ва қисмлари созланмоқда. «Туямўйин-2» насос станцияси эса қайта қурилиб, янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Ана шу таъмирларни амалга ошириш учун 25 миллион сўм маблағ сарфланди.

Насосларнинг барчаси синовдан ўтказилмоқда. — дейди туман сув чиқариш иншоотлари гуруҳи муҳандиси А. Турсунов. — Адирикларда деҳқончилик қилаётганларни бунун муважжам давмида старли миқдорда об-ҳаёт билан таъминлаймиз. Бунинг учун, 7743 гектар майдондаги экинни чанқатиб қўймаслик учун тегилли чоралар қўрилмоқда.

Ҳа, сўзимда собит турман, кўзга бориб бармоқ тишлаб қолмайман, деган деҳқону мутахассис темир-ни қизигида босади. Марҳаматликларнинг сай-ҳаракатлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

**Одилжон ШОДМОАЛИЕВ,**  
«Жалқ сўзи» мухбири.

### Ҳамкорлик шартлари кенгаймоқда

Тошкентда пойтахт вилояти ва Украинанинг Харьков вилояти ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Анжуман ҳамкор вилоят корхоналари имкониятлари ва салоҳиятини ўзбекистондаги тақдироти вазифини ҳам ўтати.

Корхоналаримиз амалий ҳамкорлик учун ишончли шерик бўла олади, — деди делегация раҳбари, Харьков вилояти маъмурияти раиси Е. Кушнарёв. — Биз бундан буён оддий товар айирбошлашдан кенг қўламли корпоратив алоқаларга ўтиш тарафдоримиз. Тошкент ва Харьков вилоятлари иқтисодиёти бир-бирини узвий тўлдирishi мумкин. Бу қўл жидатдан маҳаллий ишбилармон доираларнинг ташаббускорлиги ва амалий ҳамкорлигига боғлиқ.

Харков вилояти Украинада иқтисодиёти анчанга ривожланган минтақа саналади. У саҳноат маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда бешинчи ўринда турди. Харьков — Украина машинасозлигининг марказидир. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган буғ турбиналари, трактор двигателларининг деярли барчаси, подшипникларнинг 55 фоизи мазкур вилоятда тайёрланади. Уз навбатда, Тошкент вилояти ҳам ўзбекистон иқтисодиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Вилоятда Харьковнинг тракторсозлиги, энергия машинасозлиги, электротехника, асбобсозлик маҳсулотларига қизиқиш катта. Украиналик тракторсозларда эса Тошкент вилоятида ишлаб чиқарилаётган гидравлика, рангли ва қора металлларга талаб кучли. Аммо ўзаро ҳамкорлик, ҳусу-сан, товар айирбошлаш имкониятлар даражасида эмас.

Бизнес-форумда икки томонлама амалий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилувчи кўпгина мурожа ва таклифлар билдирилди. Шу кунги икки вилоят ўртасида узок муддатли савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамда маданий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Харковлик меҳмонлар Тошкент вилоятининг Янгийўл, Олмалик, Ангрэн, Чирчиқ шаҳарларида бўлиб, маҳаллий ишбилармонлар билан ўзаро ҳамкорлик боради яна талай шартнома ва битимлар имзоландилар.

**Н. ДУШАЕВ,**  
ЎЗА мухбири.

### Излаган имкон топади

— Яқинда шахримиздаги корхоналардан бирига чет эллик меҳмонлар келадиган бўлиб қолиши, — деди «Куваасой чиниси» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ҳамрожон Набиев. — Қўни-қўшничилик деб, «Би-рор ёрдам керакмасми?» деган маънода меҳмонхонага кириб, одатдагидай чойнақ-пийёла, қоса-товоқларни кўздан кечирдим. Бирдан хижолат тордим. Чунки бу буюмларнинг ҳаммаси сифатсиз, ҳатто пийёла четига юритилган хира чизик ҳам аранг кўзга ташланарди. Меҳмонлар келгунча уларни йиғиштириб олиб, янгилари билан алмаштирдик. Оқ кабутар па-тидай ярақлаб, атиргуллар, сара мевалар сурапти оройиш бериб турган чинилар гўё дастурхонга файз кирит-гандай бўлди.

Бу ҳақда гап очганимнинг боиси шуки, ўша идишлар ҳам бундан тўрт-беш йил аввал бизнинг корхонада ишлаб чиқарилган эди. Ушанда Украина ва Россиядан каолин олиб келиш тўхтагани учун, ҳаммашё Қирғизистондан келтирилган, таркибиди кўмир ара-лиш модда ишлатиларди. Натияжада маҳсулот сифат-сиз тайёрланарди.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда бу жамоада ишлаб чиқарилаётган чинни буюмлар билан олдингилари ўртасидаги фарқ ер билан осмонча. Тўғри, пийслани шакли, ҳажми, бичими бир хил. Лекин унинг сифати тамомила ўзгача. Илгари нурсиз, сифатсиз маҳсулотлар ом-

борларни тўлдириб ётарди. Энди эса, харидорларнинг ўзлари корхонани излаб келишяпти. Бундан янги раҳбар, 3 та ихтиро, 40 дан зиёд рационализаторлик таклифларининг соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган са-ноат ходими Ҳамрожон На-биевнинг ҳиссаси катта.

У биринчи навбатда као-лин ҳамашёсини ўзимизнинг заминдан излашга киришди.

бу маҳсулот ҳам Россиядан келтирилди. Ҳамрожон рационализатор эмасми, фойдаланимай ётган цехлардан бирида 2000 даража иссиқликка бемалол бардош бера оладиган, бежирим, жаҳон андозасидаги гишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Эндиликда бу кичик корхона бутун акциядорлик жамиятининг эҳтижларини тўла қондирибгина қолмас-

дан, ҳатто шартнома асоси-да кўшни «Кварц» бирлаш-маси ва Бекобод цемент за-водига ҳам маҳсулотлар юбормоқда.

Бошқа ихтирочилар ва рационализаторларнинг из-ланишлари туфайли кечаги-на хоридан валютага сотиб олинган керамика бўёқлари, электр сақлагичлар, қандил-лар ҳам бугун шу ернинг ўз-ида тайёрланаёпти. Утган йили корхонада қозонхона қурилди. Бу ишларга асосан эркин сотувдаги акциялар-дан тушган маблағ сарфлан-ди. Шунинг ҳисобига икки йилда 100 миллион сўмга яқин капитал маблағ тежаб қолинди.

Шу тариқа корхонанинг аввалги шуҳрати тикланди. Эътиборлиси, буюртмачи ва харидор ўртасида ўзаро му-носабатларнинг жаҳон бо-зорида синалган усуллари қарор топди. Хозир ишчи-лар оғибор учун эмас, бал-

ки харидор талаби, буюрт-маси бўйича маҳсулот тайёрламоқда. Мижозга на-фақат маҳсулот тури, ран-ги, миқдорини, ҳатто чин-нисоз устани танлашга ҳам имконият яратиб берилаяп-ти. Корхонанинг «Буюртма-лар папка»сида шу йилнинг ярмига старли миқдорда шартномалар мавжудлиги ана шу изланишлар самара-сидир.

Локализация, яъни тўласинча ма-ҳаллий ҳамашёда ишлашга ўтиш иқтисодий инқироз ёқисига келиб қол-ган корхонани тўла об-ҳа турғазди. Агар 1997 йилда мавжуд ишлаб чиқариш қув-ватларининг бор-

йўи 51,3 фоиздан фойда-ланилган бўлса, Утган йили бу кўрсаткич 93,7 фоизга етди. Бу эса маҳсулот иш-лаб чиқариш ҳажминини де-ярли уч баробар кўпайти-риш имконини берди. Бош-қача айтганда, бутлур кор-хона тарихида биринчи мар-та ярим миллилард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Тўрт йил аввал кор-хона қарийб 10 миллион сўм зарар кўрган эди, якун-дан йилда 28 миллион сўм зарар кўпроқ соф фойда олинди.

Айни кунларда чиннисоз-лар, яқинда бўлиб ўтган Ва-зирлар Маҳкамаси йиғили-шида таъкидланганидек, ишлаб чиқаришни маҳал-лийлаштириш орқали им-порт ўрнини босадиган маҳ-сулотлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу-нинг учун корхонада ҳамма имкониятлар бор.

**Набижон СОБИР,**  
«Жалқ сўзи» мухбири.

### ЯНГИ ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИ

Қашқадарё вилоятининг Касби тумани-даги Маймаинок қишлоғида янги врачлик пункти иш бошлади. Мазкур шифо мас-канини қуриш ва жиҳозлаш учун 40 мил-лион сўмга яқин маблағ сарфланди. Бир йўла 50 кишига тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга бу масканда айни пайтда малакали врачлар, тиббиёт ҳамширалари

хизмат қилмоқдалар. Пункт замонавий ас-боб-ускуналар, зарурий тиббий анжумлар билан жиҳозланган.

Худди шундай врачлик пункти тумanning Талишбе қишлоғида ҳам фойдаланишга топ-ширилди.

**А. ТАЙПАТОВ,**  
ЎЗА мухбири.

### Улар Жанубий Кореяда даволанишади

«Мафтункор ранглар олами» халқаро танлови ғолиблари — Александр Тамарлоков, Хуринисо Ҳакимжамалова ва Шухрат Уриновлар Жанубий Кореяда даволаниш учун жўнаб кетишди.

Гап шундаки, Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси, республика ногиронлар жамияти ва

Жанубий Кореянинг халқаро «Энтраг» хайрия жамғармаси ҳамкорликда ташкил этган ушуб танловда юздан зиёд ногирон болалар иштирок этдилар.

Танловга тақдим этилган асарларни томоша қиларкан-сиз, кўз олдингизда булутли

Шухрат Уринов. — Не бахти, бу йил менга омад қилиб боқди.

Утган кун «Энтраг» халқаро жамғармаси марказида ғолибларни кузатиш мароси-ми бўлиб ўтди. Энди улар саккиз ой давомида Америка, Жанубий Корея ва Ўзбекистон шифокорлари қўлида давола-ниш билан бир қаторда ўзлари қизиққан мутахассисликлари бўйича саёбқ ҳам оладилар.

**Бехбуд БОТИРОВ.**

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ —

# «ҒАЛЛАБА НК» ЖАМОАСИ

**8 МАРТ**  
хотин-қизлар байрами билан  
юртимиздаги барча оналаримиз,  
опаларимиз, сингилларимизни  
табриклайди.

Уларга мустаҳкам соғлиқ,  
аъло кайфият, бахт-саодат  
тилаб, ҳар доим чехрасидан  
табассум аримаслигини  
тилайди.

Бахт ва гўзаллик байрамингиз  
муборак бўлсин,  
азиз аёллар!





Ёшлар — Ватан ишончи

## Энг севимли қўшиқ

Республика Таэквандо (ITF) федерацияси президенти Пулат Усмонов ва бошқалар биргаликда ташаббус қилди. Федерация қошида маънавият ва маърифат хонасини ташкил қилди, айтиш мумкин, бу ташаббусга қарши фикрлар пайдо бўла болади. Спортта сиёсатни аралаштирмаганг дейишди. Наҳот, спортчи ва мураббийлар ўз давлатининг рамзлари — маҳия матни, герб ва байроқда нималар акс этганини билишмайди, деб ўйлайсизлар.?

Президентимизнинг "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан бўлган учрашувлари сузлаган нутқини эшитганг, қанча қаршилик бўлса ҳам ташаббусимизни янада ривожлантиришга қарор қилдик. Ўз сўзлашдик қилдик, фарзандларимизни бошқалар етаклайди, деди давлатимиз

чиларнинг давлатимиз рамзларини қай даражада билишини имтиҳон қилдик. Шундан сўнг, айтиш мумкин, бу ташаббусга қарши фикрлар пайдо бўла болади. Спортта сиёсатни аралаштирмаганг дейишди. Наҳот, спортчи ва мураббийлар ўз давлатининг рамзлари — маҳия матни, герб ва байроқда нималар акс этганини билишмайди, деб ўйлайсизлар.?

Шунинг учун ҳам ҳозир жойлардаги бўлимларимизда ҳам шундай хоналар ташкил этилганг. Мураббий ва спортчиларимизни аттестациядан ўтказмоқдамиз. Аҳоли баҳо билан ўтган мураббий билангина меҳнат шартномаси тузиламанг. Мақсадимиз битта: фақат спортчи эмас, етук, қатъий иродали инсон тайёрлаш. Токи, у бизнинг кўмагимизда эгаллаган маҳоратини, кучини Ватан равнақи учун сарфласин. Давлат маҳиясини энг севимли қўшиқ сифатида баралла куйласин.

Айрим спорт турлари бўйича маълумиятларимизни баъзан вакилларимизда ватанпарварлик туйғуларини, шижоат этишмаганлигини билан изоҳлайманг. Ана шундай юксак туйғуларни шакллантириш, менимча, яна ўша давлат рамзларини билишдан бошланади. Янги тузилаётган ёшлар ҳаракатининг дастуридан жисмоний тарбия ва спортга боғлиқ кўпгина устувор йўналишлар белгиланганини қўллаб-қувватлаш керак. Айниқса, қишлоқ жойларда спортни оммалаштиришга кўмаклашиш — кўзда тутилгани айни мўлдо.

Шу ўринда яна бир тақлиф: ҳаракат Низоом-лойиҳасининг рамзлари турғисидаги 9.1 банди тахрирталганг бўлгани учун, менимча, қўйилганг шаклда ўзгартирилиб ёзилиши керак. «Ҳаракат ягона байроқ, эмблема, вимпел, кўкрак нишони ва бошқа рамзий белгиларга эга бўлиши мумкин».

**Рихсидой ИРАЛИЕВ,**  
Таэквандо миллий ассоциацияси маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи.

Биринчи илқ нурлар билан ўлкамизга баҳор келиб келди,  
баҳор билан аёлларимизнинг ажойиб байрами —

# 8 Март

Келиб келди.  
Азиз аёллар!

"Ўздунробита" қўшма корхонаси жамоаси сизни бу  
ғўзаллик ва назокат байрами билан табриқлайди!  
Доимо севимли ва бахтли бўлинг!

"Ўздунробита" шахсий рақамли телефонларни янги арзонлаштирилган  
нарх — \$ 100 бўйича улашни давом эттирмакда.  
Яна бу нархни 50%га арзонлаштиришимиз мумкин.

## UZDUNROBITA

DIYORIMIZ BO'YLAB BIZ BILAN cellular

РЕКЛАМНОЕ АГЕНТСТВО А3

# UZMACOM

GSM

## GSM АНДАЗАСИДАГИ УЯЛИ АЛОҚА КОМПАНИЯСИ «ЎЗМАКОМ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА АЁЛЛАРИНИ БАҲОР БАЙРАМИ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ.

Азиз аёллар,  
сизларга доимо севимли кишиларингизнинг табассуми ва меҳри ҳамроҳ бўлсин.

Сизларни қуйидаги манзилда кутамиз: **ТОШКЕНТ Ш., ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ШОҲҚЎЧАСИ, В.**  
Тел.: (+998 71) 100-00-15, 100-00-16, 173-00-15; ФАКС: (998 71) 100-98-98, 120-63-78.  
WWW.UZMACOM.UZ

### ҲИҚМАТ

Яхши сўзга учар қушлар эл бўлур,  
Ёмон сўзга пашша кучи фил бўлур.

Меҳри дарё, гамхўр ва фидойи, ҳаёда муҳаббат ва меҳр бобида намуна бўлган мунис онахонлар, азиз опа-сингиллар, жажжи қизларимиз, шириндан-шакар набираларимиз!  
Мустанқил Ватанимиз бағрида йилгирма биринчи асрининг биринчи баҳори муборак бўлсин. Шу муътабар кунларда Сизларни **Қурбон хайити,**  
**Халқаро хотин-қизлар кунини** ва умумхалқ **Наврўзи Олам** байрамлари билан Халқаро Шароф Рашидов хайрия фонди аҳли номидан чин қалбимиздан табриқлайманг.  
Мамлакатимизда эзу ниятлар билан эълон қилинган **Оналар ва болалар йили** ҳар биримиз учун энг юксак, шони-хуррамлик, бахтли воқеалар йили бўлиб қолсин. Утган асрларимизни Оллоҳ раҳмат қилсин, руҳлари ҳамisha шод ва ҳамроҳ бўлсин.  
**Халқаро Шароф Рашидов хайрия фонди Марказий Кенгаш хайъати**

Чет эл технологияси ва хомашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёда ягона корхона

## "Лок колор ешитес"

КЎШМА КОРХОНАСИ

республикада **ЭНГ АРЗОН НАРХЛАРДА** сифатли маҳсулотларнинг савдоси бошланганини маълум қилади.

### Кенг ассортиментдаги маҳсулотлар!

ҚУРИЛИШ ЭҲТИМЎЖЛАРИ УЧУН:

- ✓ Уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари.
- ✓ Ташқи деворлар учун бўёқлар.
- ✓ Алкид эмаллари.
- ✓ Полларни бўяш учун эмаллар.
- ✓ Ёғоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар.
- ✓ Акрилат эмаллари.
- ✓ Грунтовка ва шпатлевкалар.
- ✓ L 80, 100, 120 мм.ли михлар.
- ✓ Эмульсия елими.
- ✓ Силикат елими.

САНОАТ ЭҲТИМЎЖЛАРИ УЧУН:

- ✓ Универсал алкид бўёқлари.
- ✓ Универсал алкид лаклари.
- ✓ Алкид-уретан эмаллари.
- ✓ Акрилат эмаллари.
- ✓ Грунтовка ва шпатлевкалар.

Манзил: Ўзбекистон, 700005, Тошкент ш., Фарғона йўли к., 35.  
Тел.: (99871) 1914741, 1918094. Факс: (99871) 191746.  
E-mail: lokolor@online.ru.

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Мухаммадиев, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И. Худоев, И. Шогуромов, О. Қайибегенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Хатлар бўлими 136-29-89; Котибхона 133-10-28;  
Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Т — 215, 32643 нусхада босилган, ҳақми — 2 табоқ, Ойсет усусида босилган.  
Қоғоз беними А-2  
Газета ИВМ компьютерда терилди ва операторлар Жамид ТОРАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан сифатланди.  
Тахриратда ҳақми 5 кодондан эиёл материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Набатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.  
Набатчи — У. Файзилова.  
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.  
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди: 21.00

1 2 3 4 5 6